

## СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ДАВОЛАШ ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИДА САНҚВА М АСОСИДА ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ БУЙИЧА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР

**Астанаев Ҳамроқул**

Сурхондарё вилояти Узун туман тиббиёт бирлашмасининг  
даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари

### АННОТАТСИЯ

Ушбу мақола аҳоли ўртасида тиббий маданият саводхонлигини ошириш ва юқумли касалликларни аҳоли ўртасида камайтиришга қаратилган. Бугунги кундаги глобал ҳаётда турли юқумли касалликларни ривожланиб бораётган вақтда аҳоли саводхонлигини ошириш ва профилактик ишларни амалга оширишда аҳоли ролини кучайтириш муҳим восита ҳисобланади. Ушбу тавсиянинг асосий мақсади шунга йўналтирилган.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатлари орасида юқумли касалликларининг турли кўринишда намоён бўлиши барчамизга маълум. Шу каби эпидемия ва пандемия даврларини бошимиздан ўтказганимиз ва бу борада Ўзбекистонда олиб борилган профилактик ишлар, Covid-2019 ҳақида ва бошқа юқумли касалликларни олдини олиш соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳар бир тиббий ходимнинг асосий вазифа ва муаммолардан бири ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, пандемия барчамизга тиббиётнинг бирламчи бўғини – тез ёрдам хизмати, санитария-эпидемиология тизимини тубдан ислоҳ қилиш муҳим ҳаётий зарурат эканини яна бир бор кўрсатди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг бошқа минтақаларида кузатилаётган “пандемиянинг навбатдаги тўлқини” ва у билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳаммамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда.

Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш билан бирга тиббиёт муассасаларида Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш профилактика муассасаларида СанҚва М асосида юқумли касалликлар профилактикаси ва олдини олиш бўйича бажариладиган ишлар ва вазифалар мавжуд. Жумладан Мукамал тозалов ишлари қуйидаги талаб ва вазифаларни бажариш лозим.

Мукамал тозалов ишларини ўтказиш тартиби жараёнида санитария гигиеник қоидалари билан таъминланган деворлар, ойиналар, пилиентуслар ва ёритгич ускуналарни тозалаб ювиш.

Мукаммал тозалаш ишларини олиб боришда қуйдаги тартибда икки пақирдан фойдаланиб ўтказилиши лозим.

1-пақир 0.5% хлор сақловчи эритма 25 гр ювувчи кукун ёки 50гр хўжалик совун кукунни қўшилади;

2-пақирда тоза сув бўлади.

1-пақирдаги эритма чаилган латта ёрдамида белгиланган майдонни тозалайди. Кейинчалик чайилган латта иккинчи пақирдаги сув билан чайиб олинади ва проссес қайтарилади.

Мукаммал тозалов ишларини олиб боришдан олдин хона 20 дақиқа мобайнида шамоллатади. Шу билан бирга ушба хонада мавжуд барча жиҳозлар ювувчи эритма билан тозаланади. Қўлланиладиган дезинфекция воситалари ҳар ҳафта алмаштирилиб турилиши лозим.

Жорий тозалов ишларини ўтказиш тартиби ва аҳамияти ҳар куни ўтказиладиган тозалов ишлари бўлиб уни тайёрлаш ишлари ва тозалаш ишлари доимий назоратда бўлиши лозим. Жой тозалов ишларида бўладиган эътиборсизлик юқумли касалликлар ва ифлосланиш даражасини ошишига сабаб бўлувчи омилдир. Жорий тозалов ишларини олиб боришда қуйдаги тартибда амалга оширилади.

Жорий тозалов ишлари ҳар куни бир пақирдан фойдаланган ҳолда 2 маротиба ва ифлосланиш даражасига кўра кўпроқ ҳам ўтказилиши мумкин.

Ювиш ишлари бир марта ювувчи воситалардан фойдаланиб ўтказилади. Буни амалга ошириш учун 1 пақир сувга 25 гр ювувчи восита қўшилади.

Ишлатилган латталар жорий тозалов ишлардан сўнг ювилади ва куруқ ҳолда сақланади. Тозалов анжомларини боғлов, муолажа, кўрув ва бошқа хоналарда сақлаш қатъиян тақиқланади. Мазкур анжомларни сақлаш учун бўлимда алоҳида жой ташкил қилиниши ва сақланиши лозим. Тозалов анжомлари ҳар бир ишчи хонаси учун алоҳида бўлиб тамғаланган бўлиши ва ўз ўрнида бўлиши лозим.

**Гипохлорид калций техникаси :** Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 10.11.1998 йил №28-6/22 сонли буйруғи асосида фойдаланишга рухсат берилган Россияда ишлаб чиқарилган ўткир хидли оқ прошок таркибида 47-50% актив хлор мавжуд Ушбу перепаратдан фойдаланиш ва Сан Пи 0304-12 асосида асосий ишчи эритма тайёрлаш 40.1% ташкил этади

$$\frac{0.5}{40.1\%} \times 1000 \text{ сув} = 12,4\% \text{ гл}$$

$$\frac{0.5}{40.1\%} \times 1000 \text{ сув} = 124,0\% \text{ г\л}$$

10%ли 10литр ишчи эритма тайёрлаш учун ,1кг 250г курук прошок солинади.

0,5%ли 10литр ишчи эритма тайёрлаш учун , 625 г курук прошок солинади.

0,5%ли 1 литр ишчи эритма тайёрлаш учун , 12,4 г курук прошок солинади.

Тайёрлаш усули юқоридаги миқдорга озроқ сув қўшиб ралаштирилади ва бўтқа ҳолига келтирилади.35-40 дақиқа тиндирилади ,зич бекилдаи .Ишлатиш муддати ва яроқлилиги 10 кун .Сақлаш тартиби –курук иситилмайдиган жойда  $1C^0$  ҳароратига сақланади.

Мукаммал озалов ишларининг босқичлари:

-20 дақиқадан кам бўлмаган вақт давомида хона шамоллатилади.

-юқорида таъкидланган барча жойлар ювувчи эритма билан тозаланади.

-тозалангандан кейин бу жойлар тоза сув билан латта ёрдамида ювилади.

-бу ишларни бажарилгандан 30-дақиқа давомида кварц лампаси ёқиб қўйилади.

Албатта юқорида соғлиқни сақлаш вазирлиги тавсияси асосида белгаланган вазифаларни бажаришга ва аҳоли ўртасида гигиеник талабларга амал қилиб барча тавсиялар талаб даражасида бажарилса аҳоли ўртасида юқумли касалликларини олдини олиш ва камаишига олиб келинади. Жорий тозалов ва мукаммал тозалов ишлари тиббиёт муассаларида Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш профилактика муассасаларида СанҚва М асосида юқумли касалликлар профилактикаси ва олдини олиш буйича бажариладиган ишлар бўлиши билан бирга шахсий гигиена талабларига риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурч ва вазифаси ҳисобланади. Бурч ва масъулият билан ёндошсак табиат ва ҳаво мусаффолиги,турли касалликларни олдини олишга катта муваффақиятларга эришамиз. Шу боис шахсий гигиена тушунчасини ёдга оламиз.

**Шахсий гигиена** – гигиенанинг бир бўлими; шахсий ҳаёт ва меҳнат фаолиятида амал қилиниши зарур бўлган гигиеник тартиб йўли билан одам соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш масалаларини ишлаб чиқади. Шахсий гигиена ҳар бир кишининг ўзига ва ёшига боғлиқ бўлиб, ақлий ва жисмоний меҳнатни тўғри йўлга қўйиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, вақтида овқатланиш, мириқиб ухлаш, меҳнат ва дам олишни тўғри уюштиришдан иборат.

Албатта ,халқимиз орасида ҳар бир кишининг табиби унинг ўзи деган нақлга амал қиладиган бўлсак .аввало инсон ўзини ўзи химоя қилишга,тозаликга риоя қилишга ва шахсий гигиена талабларига риоя қилиб

бориши лозим. Зеро Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда Буюк аждодимиз Имом Мотуридий хазратларининг **“Тириклик ҳикматини соғлиқда, деб билгин”**, деган чуқур маъноли сўзлари бугунги кундаги глобал ҳаётимизда нақадар маъноли ва ўринли сўз эканлигини янада авлодларимизнинг ҳар қандай соҳада юксак муваффақиятларга эришганларини билиб олишларимиз лозим.

Бизнинг бугунги кундаги эзгу мақсадимиз **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** деган эзгу ғоя асоси бўлиб буни учун соғлом ва қудратли авлод бўлишимизда тозалик ,ва яна тозалик, бўлиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг марузалари :”Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик”
2. ССВнинг 03-42-17ва 00-20Санитария ва Коида меёрлари
- 3.Интернет манбаларидан фойдаланилди.